

# Аёлларнинг ижтимоий аҳволи яхшиланишига кўмак берилмоқда



Маълумки мамлакатимизда аҳолини, айниқса аёлларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг бандлигини таъминлашда самарали тизим йўлга қўйилган.

Буни Термиз туманидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва кўмак мисолида ҳам кўриш мумкин.

Туманнинг 3-сектор ҳудудидаги «Учқизил» маҳалласи Истиқлол кўчасида истиқомат қилиб келаётган Мадина Кўчарова ҳам ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиши учун тикув машинаси берилди.

Эндиликда ушбу фуқаро ўзини ўзи банд қилибгина қолмасдан маҳалладаги беш нафар фуқароларни ҳам иш билан таъминламоқда.